

ХОДЖАКУЛОВА Феруза Рустамовна

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
“Чет тиллари” кафедраси катта ўқитувчиси
gmail: feruzahodjakulova77@gmail.com

ДИНИЙ ТЕРМИНОЛОГИЯНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

ТЕОРЕТИКО- МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИЗУЧЕНИЯ РЕЛИГИОЗНОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ

THEORETICAL AND METHODOLOGICAL FOUNDATIONS FOR THE STUDY OF RELIGIOUS TERMINOLOGY

Аннотация: Замонавий тилшуносликда диний терминология тадқиқотида функционал ёндашувнинг қўлланилиши луғат бирликларининг тил тараққиёти динамикасини акс эттиришга, яъни реал ишлаш жараёнида ўзининг потенциал имкониятларини очиб беришга асосланади. Мазкур мақолада шу нуқтаи назардан диний терминологияни ўрганишнинг назарий ва методологик асослари кўриб чиқилган.

Калим сўзлар: терминология, терминосистема, динамика, реалия, термин, диний термин, лингвистика

Аннотация: В современном языкознании использование функционального подхода к изучению религиозной терминологии основано на отражении динамики языкового развития словарных единиц, то есть выявлении их потенциала в процессе реальной работы. В данной статье рассматриваются теоретико-методологические основы изучения религиозной терминологии с этой точки зрения.

Ключевые слова: терминология, терминосистема, динамика, реальность, термин, религиозный термин, языкознание.

Abstract: In modern linguistics, the use of a functional approach to the study of religious terminology is based on reflecting the dynamics of the linguistic development of vocabulary units, that is, identifying their potential in the process of real work. This article discusses the theoretical and methodological foundations for the study of religious terminology from this point of view.

Key words: terminology, termosystem, dynamics, reality, term, religious term, linguistics.

КИРИШ

Лексикология сўнгги ўн йилликлар ичида янги илмий парадигмага – функционализмга ўтмоқда, чунки ҳар қандай ҳодисанинг, шу жумладан, тилнинг ҳам моҳиятини белгилаш фақат ташкилий форманинг структуравий-тизимли жиҳатлари билан чекланмайди. Сўзнинг мазмунига функционал аспект боғланишисиз “акс эттириш” томонидан ёндашув изоҳлаш кучидан маҳрум бўлади. Шунинг учун, XX аср охири лингвистикасининг энг муҳим парадигмал жиҳатларини аниқлар эканлар, тадқиқотчилар антропоцентризм билан бир қаторда, когнитив фанларнинг комплексига, экспансионизмга, экспланаторлик ва бошқалари билан яқинлашишга функционализмни ҳам тилга оладилар [5]. Тилнинг функционал асосларини ва унинг луғат таркибини ўрганиш диний терминологиянинг умумий методологик асоси сифатида қабул қилинади. Лингвистик функционализмнинг энг муҳим жиҳатларидан бири унинг мақсадли (телеологик), тизимли-структуравий ва коммуникатив мўлжалланганлигидир. Диний терминология тадқиқотида функционал ёндашувнинг қўлланилиши луғат бирликларининг тил тараққиёти динамикасини акс эттиришга, яъни реал ишлаш жараёнида ўзининг потенциал имкониятларини очиб беришга асосланади. Шундай қилиб, лингвистик функционализм – бу тилга шундай ёндашув ва айни вақтда тил тизими механизмлари қўлланилишини ўрганишга имкон берадиган тадқиқотларнинг шундай бир йўналишидир.

Функционализм ўзида фандаги бир парадигмадан бошқасига ўтишнинг гувоҳи бўлган тадқиқотларнинг олдинги йўналишларини ўзида умумлаштирди. Демак, функционал-коммуникатив тадқиқотлар доирасида, уларнинг телеологик, интенционал, динамик мўлжалланганлигини ҳисобга олиб, тилга, хусусан, когнитивистика ва антропоцентризмга энг янги ёндашувларни умумлаштириш мумкин. Умуман тилнинг лексик-семантик тизимининг ва унинг кичик тизими сифатида диний терминология тадқиқотининг асоси бўлиб ҳозирги босқичда когнитивистиканинг – тадқиқотларнинг фанлараро интеграл соҳасининг қоидаси чиқади, унинг предмети “оператив тафаккурни ва оламни билишни таъминловчи инсон онгининг механизмларини ўрганиш”, мақсади

эса “инсоннинг нутқий муносабатлари жараёнларининг интеграл манзаралари ҳамда интеллектуал феъл-атворининг тузилиши” ҳисобланади [2]. Когнитив вазифани амалга ошириб, тил олами билишнинг қуроли ҳисобланади, унинг ёрдамида тушунчалар шаклланадилар, мантикий-тушунчавий алоқалар идрок қилинадилар, вазият вербаллашади ва ҳ.к. Чунончи, когнитив ёндашув ОАВлар тилини ижтимоий онга таъсир воситаси сифатида таҳлил қилишга имкон беради. Тилшуносларнинг “инсон ўзининг назарий ва амалий фаолияти давомида бевосита олам билан эмас, балки оламнинг маълум репрезентациялари, унинг когнитив моделлари билан яқин алоқада бўлади” [8] деган мулоҳазасини эътиборга олиб, тилнинг ҳар қандай лексик кичик тизими тадқиқотининг зарур назарий дастлабки шарти оламнинг лисоний манзараси тушунчасини аниқлаш ҳисобланади. Бу шу билан боғлиқки, лексик ва фразеологик бирликларнинг семантик таҳлили уларнинг идеографик ўзаро муносабатдошлигисиз тўлиқ бўлмайди. Лингвистик контекстда олам манзараси “тилни тафаккур билан, ўраб турган олам билан, маданий-этник реаллар билан ҳамда тилда амал қилувчи энг мураккаб абстракт тушунчалар ва категориялар билан боғловчи кўп қиррали ментал феномен (камдан-кам учрайдиган ҳодиса) ҳисобланади” [2].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ҳозирги тадқиқотларда тил манзараси таҳлилининг иккита – ички ва ташқи жиҳати ажралиб туради: “Биринчи, ташқи жиҳат бу манзаранинг, ареал, ижтимоий, функционал ва хронологик бўлиб-бўлиб юборилишини назарда тутиб, у тилда унинг соҳибларининг табиий ва антропоген яшаш муҳитини акс эттиришига тўғри келади ҳамда асосан социоллингвистика, этнолингвистика ва тил алоқалари назарияси доирасида тадқиқ қилинади. Иккинчи, ички жиҳат тил соҳибларининг тилда акс этган ички дунёсини, уларнинг менталлигини аниқлашга йўналтирилган (бу проблематика тилшуносликдаги ва психоллингвистикадаги ҳозирги когнитив йўналишларнинг доирасида ишлаб чиқилади)” [8]. Диний терминологиянинг лексик-семантик кичик тизимини таҳлил қилишда бу иккита жиҳатларни ҳисобга олиш умуман тил тараққиёти тенденцияларини

аниқлаш, нафақат ижтимоий, балки “ички” лингвистика учун ҳам муҳим бўлган “тил ва унинг муҳити” муаммосини ёритиш имконини беради. Олам манзараси тилнинг бутун лексик-семантик тизими қўлдан чиқармасликка ҳаракат қиладиган ўша асосий маъновий база ҳисобланади. Бироқ маълумки, олам манзараси (унинг барча мураккаблигини ҳисобга олиб) идеографик луғатнинг жамланган схемалари билан муносабатда бўлади ва, шунга мувофиқ, унинг алоҳида бўлимларига таяниб ўрганилади, булардан бири “диний институтлар” жамламаси бўлими ҳисобланади. Унинг таркибига микдорий жиҳатдан кўرғазмали ҳамда фаол қўлланилувчи диний терминология киради. Концепциялар функционализм сифатида баҳоланадиган белгиларни тилга олиб, тил тадқиқотчиси В.З. Демьянков экстралингвистик омилларнинг тилга таъсири каби муҳим белгини ажратиб кўрсатади: “Тил фақат “ички томондан”, формал хусусиятларнинг терминларида эмас, балки ташқи томондан, тизимларга кичик тизимлар сифатида кирадиган – маданиятларга, ижтимоий тизимларга, фикрлар тизимларига ва ҳ.к. кирадиганларга нима бериши нуқтаи назаридан қараб чиқилади” [1]. Кўрсатилган омилни ҳисобга олиш тилнинг ва жамиятнинг ўзаро боғлиқлигини анча чуқурроқ тушуниб етишга кўмаклашади ва умумий семантиканинг баъзи бир муаммоларини, уларнинг таҳлиliga комплекс ёндашилса, муваффақиятли ҳал қилишнинг мумкинлиги фикрига олиб келади. Охирги ўн йилликларнинг тилнинг аспектларини, унинг категорияларини, босқичларини ва бирликларини ўрганиш бўйича лингвистик фикрнинг муваффақиятлари таҳлили семантик ёндашув тил ҳақидаги фанда анъанавий ва энг ишлаб чиқилган ёндашувлигидан далолат беради. Тадқиқотчи Ю.А. Зацнийнинг “луғат таркиби элементларининг “онтологик, тизимли-структур бир-бирига боғлиқлиги, тартибга солинганлиги, бу элементлар ўртасида реал, объектив алоқаларнинг мавжудлиги” [3] тўғрисидаги мулоҳазаси тўғри туйилади. Демак, тилнинг, айниқса лексиканинг тизимлилиги нафақат операцион (таснифий) характерга эга. Таҳлилнинг иккита (тизимли-структур ва семантик-функционал) тури бир-бири билан боғланган, чунки улар умумий йўналишга ва туб мақсадга эгадирлар: тизимли-структур тадқиқотлар тилнинг формал воситаларини тизимлаштирадилар, семантик-функционал

тадқиқотлар эса бу воситаларнинг матндаги – тил бирликлари ишлашининг муҳотидаги ўзига хос хусусиятларини аниқлайдилар.

Ҳозирги лингвистиканинг антропоцентрик характери (лексик маънонинг антропоцентрик концепцияси Е.Сепир, Б.Уорф, В.Гумбольдт, М.Боас, О.Есперсенларнинг ғоясини чуқурлаштираётган А.Вежбицкаяга тегишлидир) унинг прагматика билан алоқасини таъминлади. Шунинг учун, диний терминологияни семантик-функционал таҳлил нуктаи назаридан таҳлил қилиб, лексиканинг диний қатлами бирликлари маъносининг прагматик жиҳатини ҳисобга олиш зарур. Оламни адекват билиш ва унга таъсир қилиш, маълумки, онгнинг акс эттирадиган вазифаси асосида амалга оширилади. Ўраб турган оламни билаётиб, индивид ўз онгида матнни воқеликнинг инъикоси натижаси сифатида келтириб чиқаради, шу билан бирга унга баҳо беради. Баҳо семантик тушунча сифатида тил иборалари маъноларининг баҳовий жиҳатини назарда тутаяди, диний терминология эса, идеология тушунчасини илоҳийга ишонч сифатида акс эттириб, баҳолаш лексикасини ўз ичига олади. Лексик маънонинг баҳоловчи (мелиоратив ёки пейоратив) компоненти билимнинг бошқа ижтимоий-психологик жиҳатлари билан бир қаторда воқеликнинг ментал-нутқий репрезентациясига киради. Баҳо категориясига бундай қараш билимнинг иккита – коммуникатив ва когнитив парадигмаларининг ҳозирги лингвистик тадқиқотларида синтезига асосланади, уларнинг бирикуви анча кенг муаммони – тилдаги инсон омилини аниқлашга қўмаклашади, чунки айнан вербал эмоционал баҳолар орқали тилнинг лексик-семантик тизимида тил шахсининг инъикоси юз беради. Энг муҳим баҳовий тушунчалар реципиентнинг когнитив тизимига сезиларли таъсирни амалга ошириб, далиллар ролини бажарадилар.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Коммуникативликка лингво-фалсафий ёндашув нуктаи назаридан тил белги характеридаги тизимли-структур ҳосила сифатида тушунилади, яъни белги шаклида воқеликнинг объектив хусусиятларини ва алоқаларини аниқлаш содир бўлади, уни инсон оламни фрагментларга (парчаларга, қисмларга) бўлиш орқали билиб олади [9]. Буларнинг ҳаммаси, ўз навбатида, диний семантика тил бирликларининг функционал хоссаларини аниқлаш ва тасвирлашни кўзда тутаяди. Когнитив парадигма ўзанида

коммуникатив ёндашувнинг асоси айрим тил ҳодисаларининг ва тил тизимининг сабабли детерминацияланганлиги ҳақидаги нуктаи назар муносабатнинг эҳтиёжлари, шунингдек инсоннинг ақлий ва руҳий фаолияти билан аниқланади. Шу муносабат билан ҳозирги тилшуносликда семантик категорияларнинг инсоннинг назарий-билиш фаолияти билан бевосита боғлиқлиги ҳақидаги назарий қоида методологик жиҳатдан муҳимдир. Лексик маънолар ўзгаришларининг асосида тушунчалар ўртасидаги формал мантикий муносабатлар ётади. Маънолар ўзгаришларининг дастлабки шартлари: белгиланган воқеликдаги олдиндан аниқланадиган ижтимоий-тарихий ўзгаришлар, сўзловчиларнинг турли ижтимоий қатламлари ўртасидаги сўзлардаги семантиканинг ривожланиши ва ҳ.к.; айтилганнинг характери кучайтиришга ёки сусайтиришга, лексик маънодаги прагматик компонентни ривожлантиришга интилиш билан олдиндан аниқланадиган психологик; маънони синтагматик ўққа кўчиришда бўлиб қоладиган асл лингвистик сабаблар ҳисобланадилар [11]. Кўрсатилган сабаблар, маъно ўзгаришларининг ҳар хил типлари шаклланишини рағбатлантириб, турли натижаларга (торайишга, кенгайишга, семантик ўзгартиришга ва ҳ.к.) олиб келади. Тилда амал қиладиган диний терминологик лексиканинг маъноларини тасвирлашнинг асосий принципи “сўзнинг маъноларини коммуникатив актда хилма-хил модификацияларини тасвирлаш учун етарли даражада тушунтириш кучига эга бўлган лексик маънога интеграл ёндашув ҳисобланади [10]. Демак, диний лексемаларнинг лексик маъноси тилнинг белгилари бирликлари учта: асл семантик, прагматик ва синтакс жиҳатларининг структураланган яхлитлиги сифатида баҳоланади. Синтактика ва прагматика лексик маънонинг таркибига фақат кирибгина қолмай, балки сигнификатив компонент билан ягона, яхлит структурани ҳосил қилади, деган В.В. Левицкийнинг фикрини келтириш ўринлидир: “шунингдек сўзнинг сигнификатив ва коннотатив компонентлари бир-биридан ажратилишлари мумкин бўлмаганликлари каби, белгининг бирга қўшила олиш хусусиятлари ва унинг коннотацияси лексик маънодан ташқарига чиқарилишлари мумкин эмас” [6].

Тилнинг динамик характери тил жамоаси тараққиётининг ташқи тилдан ташқари ўзига хослиги билан олдиндан белгилаб берилади ва тил тизими шу жамоа билан биргаликда келиб чиқиш ва ривожланиш даврларини

ўтайди. Шунинг учун кишилиқ жамиятининг ривожланиш суръатларининг ўсиши, турмуш шароитининг кўп вариантлилиги, инсон табиатининг плюрализми – буларнинг ҳаммаси луғат таркиби ривожланишининг жараёнларини чуқурлаштирилган (жиддий) ўрганишни талаб қилади. Энг янги даврнинг диний терминологиясини таҳлил қилишда “луғат таркиби ўзгараётган оламдаги вазиятга қандай тенденциялар билан ўз муносабатларини билдиришини” [7] тадқиқ қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки тилнинг жамиятда ишлаши тил тизимининг унинг ҳозирги ривожланиш босқичидаги ностатик, динамик характерини олдиндан белгилаб беради. Шу сабабли XX аср охири диний терминологияси тадқиқотининг муҳим ўзига хос хусусияти фактик материални тилнинг ишлашини, синхронияда тилнинг ҳаракатчанлигини ҳисобга олиб қараб чиқиш ҳисобланади. Демак, фактик материалнинг таҳлилига ёндашув динамик синхрония нуктаи назаридан амалга оширилади, бунинг устига тил ҳодисалари процессуал қараб чиқиладилар, яъни қандай жараёнлар натижасида улар юзага келишлари ёки улар қандай тил бирликларининг қайта ўзгаришларининг ҳисобланишлари аниқланади. Дин феноменини лингвистик нуктаи назардан ўрганишни А.А. Потебня XIX асрнинг охиридаёқ бошлаган эди, у эътиқодни инсон онгининг шакли сифатида, динни эса инсон томонидан ўзини ва оламни билиш сифатида баҳолаган эди [4]. Олим диний маросимлар шаклланишининг гносеологик сабабларини, бу жараённинг руҳий асосларини замонавий тушунишга биринчи бўлиб ёндашди, анимистик тасаввурларнинг пайдо бўлиш жараёнидаги вербал сеҳрни ва сўз ролини ҳар томонлама таҳлил қилди, сўз қандайдир предметнинг ёки ҳодисанинг шартли (конвенцион) белгиси эмас, балки унинг қисми, “предметнинг маънавий моҳияти” эканлигини таъкидлади, дин тилининг характерли ўзига хос хусусиятини кўрсатди [4]. Тил ёрдамида қайд қилиш, актуаллаштириш, тиклаш ҳамда янги авлодларга қимматли диний маъноларни етказиш содир бўлади. Динлар тарихида тил масаласи кўпинча жуда муҳим аҳамият касб этади, чунки динларнинг ривожланиши билан миллий тилларнинг шаклланиши боғланган. А.А. Потебня учун миллий тилларнинг шаклланиши динларнинг ривожланиши билан боғлиқ. Тилшунос тил ва дин умуман инсон онги ва ривожланиши маълум босқичининг ва конкрет этник умумийликнинг ўз-ўзини англашининг инъикоси ҳисобланади, деб қайд қилди [4].

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, бир қатор маълум сабабларга кўра ҳозирги кунда ўзбек тилшунослик давраларида диний эҳтиёжларга хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган сўзларни бир хиллаштириш, сўзларнинг тўғри ёзилишини нормаллаштириш, ўзбек адабий тилига диний асарларнинг яхши таржимаси зарурлиги, диний лексиканинг ишлашини ўрганиш ва диний терминология луғатларини тузиш ва ҳ.к. билан боғлиқ масала кўтарилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Grinev S.V. Terminology and scientific cognition. – Moscow, 1991. – P. 15-27.
2. Xodjakulova F.R.(2020). Analysis of terminology of literary criticism in English. Namangan state university. Scientific journal .11issue .2020 year.
3. Xodjakulova F.R.(2021). Lexical semantic problems in translation. Thematic journal of English language teaching. Vol-5-Issue-1-2021.
4. Демьянков В.З. Функционализм в зарубежной лингвистике конца XX века. // Дискурс, речь, речевая деятельность: функциональные и структурные аспекты. / Сб. обзоров ИНИОН РАН. М., 2000. - С. 26-137.
5. Джонсон-Лэрд, Ф. Процедурная семантика и психология значения / Ф. Джонсон-Лэрд // Новое в зарубежной лингвистике. – М., 1988. Вып. XXIII.
6. Зацный Ю.А. Новая общественно-политическая лексика и фразеология английского языка / Зацный Ю.А., Бутов В.Н. Запорожье: ЗТУ, 2000 – 200 с.
7. Кубрякова Е.С. Эволюция лингвистических идей во второй половине XX века // Язык и наука конца 20 века. М.: Институт языкознания РАН, 1995. С. 144-238.
8. Левицкий В.В. Семасиология: монография для молодых исследователей. Винница, 2012. – 680 с
9. Мечковская Н.Б. Социальная лингвистика: Пособие для студентов гуманитар. вузов и учащихся лицеев. – 2-е изд., испр. – М.: Аспект Пресс, 2000. – 207 с
10. Петров В.В. Идеи современной феноменологии и герменевтики в лингвистическом представлении знаний // Вопросы языкознания. 1990. № 6. – С.103.
11. Потебня А.А. Слово и миф. – М.: Правда, 1989. – 282 с.
12. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. Москва: Наука, 1978. – 341 с
13. Стернин И.А. Лексическое значение слова в речи. – М.-Берлин: Директ-медиа, 2015. – 239 с.
14. Шмелев Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики – М: Наука, 1973. – 280 с.